

OZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 22-sentabr. Payshanba

• 115 (31.391)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси парламент делегацияси аъзолари 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги алоқалар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар каби кўплаб сохаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида хам изчил ривожланиб бораётгани алохида таъкидланди. Бунда икки давлат рахбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мухим хукукий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Изчил тараққий этаётган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари икки давлатнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро амалий хамкорликнинг қонуний асосларини янада мустахкамлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси парламент делегациясининг Хитойга ташрифи икки давлат парламентлари хамкорлигига янги суръат бахш этди.

Музокарада Хитой Халқ Республикаси парламент делегациясининг ушбу ташрифига Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давоми сифатида қаралиши қайд этилди.

Узбекистон истиклол йилларида Президент Ислом Каримов рахнамолигида барча сохаларда улкан ютукларга эришди. деди У Банго. — Мамлакатингизда сиёсий-ижтимоий баркарорлик хукм сурмокда, иктисодиёт, ахолининг турмуш даражаси муттасил юксалмокда. Президент Ислом Каримовнинг шу йилнинг апрель ойида Хитойга амалга оширган давлат ташрифи гоят самарали бўлди. Ушбу ташриф чогида давлатларимиз рахбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад давлатларимиз рахбарлари учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги хамкорликни кенгайтириш ва мустахкамлаш масалалари, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирларни хаётга татбик этиш, конун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, томонларни кизиктирган долзарб масалалар мухокама этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати билан Хитой Халқ Республикасининг Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида Хамкорлик тўгрисидаги меморандум имзоланди.

Хитой делегацияси ташрифи доирасида, шунингдек, техникиктисодий, нефть-газ, кимё, тогкон саноати сохаларида хамкорлик бўйича хам катор хужжатлар имзоланди.

Шу куни У Банго рахбарлигидаги делегация аъзолари пойтахтимиздаги «ОсиёТрансГаз» кўшма корхонасига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишдилар.

Хитойлик юксак мартабали мехмон Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз рахбари Ислом Каримов рахнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, хурриятимиз, порлок истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустакиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйди. Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар хакида хикоя килувчи экспонатларни кўзлан кечирли

(¥зA)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа





Барчаси электорат манфаатига қаратилди

■ Аввал хабар берганимиздек, яқинда Жиззах шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши Марказий банк билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум ўтказди.

Иқтисодий форум доирасида ташкил этилган ўқувда ўз ишини бошламоқчи бўлган кишиларга йўл-йўриклар кўрсатилди, тавсиялар берилди. Ишга жойлашиш истагидаги фукаролар мехнат ярмаркасида иштирок этиб, ўзларига мос иш топиш имконига эга бўлиш-

ди. Хунармандлар, касаначилар кўргазмаси эса ўзаро тажриба алмашиш, ёшларда халқ амалий санъатига мехрни кучайтиришга хизмат қилди.

Мўътабар КАРИМОВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси

ўринбосари:
— Вилоятимизда ўтказилган иқтисодий форум шуни кўрсатдики, бундай тадбирлар электоратимизни

ижтимоий қўллаб-қувват-

лашда мухим ахамият касб этади.

Мазкур форум орқали банкдан имтиёзли кредит олиш хукукини берувчи сертификатни қўлга киритган электоратимиз вакиллари келажакда нафақат ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди, балки махалла ахлига ҳам нафи тегади. Лойиҳада кўзда тутилган асосий мақсад шу!

(Давоми 2-бетда.)

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

Муаллиманинг самарали сабоқлари

Мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши учун кенг имкониятлар яратишга алохида эътибор қаратилаётир.



Дилдора Болтаева Шеробод туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқувчиларига 2002 йилдан буён сабоқ бериб келмоқда. Унинг таълим жараёнида янгича педагогик услуб ва технологияларни кенг қўллаётгани, ҳар бир дарсга алохида тайёргарлик билан ёндашуви, интерфаол усуллардан фойдаланиши дарс самарадорлигини таъминламоқда. Ўқувчилар машғулотлар давомида ўтказиладиган «очиқ дарс», дидактик ўйинлардан чуқур билим олиш билан бирга, эркин фикрлашга ўрганаётир.

Дилдора Болтаеванинг «Самарали дарс» деб топилган она тили дарси Сурхондарё вилояти микёсида методик кўлланма сифатида оммалаштирилган.

Суратда: Дилдора Болтаева ва ўқувчи Жонибек Холиқов. Газета сахифаланаётганда...

Ўзбекистон — Ироқ — 2:0

 Кеча футбол бўйича келгуси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига Осиё минтакаси учинчи боскич саралаш учрашувлари ўтказилди.

Унда мусобақанинг «В» гурухида тўп сураётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Тошкентда Ироқ фут-

болчиларига қарши майдонга тушди.

Кизикарли ва муросасиз кечган мазкур бахсда олимпиячиларимиз 2:0 хисобида галаба қозонишди. Тўпларни хамюртларимиздан Темурхўжа Абдухолиқов билан Кенжа Тўраев киритди.

Гурухнинг иккинчи учрашувида Австралия — Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоалари ўзарокуч синашди — 0:0.



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!





Эътироф

Қадимий ва хамиша навкирон Бухорога келадиган хар бир сайёх Президент Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган Бухоро маданий марказига ташриф буюриши лозим, деб ўйлайман. Бу ердаги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументига сингдирилган фалсафий гоя тарихий илдизлари узокларга бориб тақаладиган халқингизнинг ўзлигини намоён қилиб турибди. Монументда номлари битилган улуғ аллома ва мутафаккирлар шу заминда туғилиб ўсгани, тасвири туширилган энг ноёб меъморий обидалар намуналари жахон тамаддунига беқиёс хисса қўшган мамлакатингиз ўтмиши нечогли бойлигидан дарак беради. Обидада илгари сурилган **гоя аждодлари меросини** асраб-авайлайдиган, бобокалонларига муносиб, мустакил Узбекистоннинг келажагини яратадиган ёшларни камол топтиришда катта тарбиявий ахамиятга эга. Бу мажмуа ўзининг меъморий ечими ва миллийлиги билан жозибали. Умуман, Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш ва сақлашга берилаётган эътиборнинг ибратли жихатлари гоят кўп».

Марк ДОХАН, (Франция).

Энергетика ва нефть-газ саноати кўргазмаси

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да 21 сентябрь куни «UzEnergyExpo — 2011» олтинчи халқаро ихтисослашган энергетика, энергияни тежаш, электротехника, нефть ва газ саноати кўргазмаси очилди.



Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти ҳамда «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«UzEnergyExpo — 2011» кўргазмасида Ўзбекистон, Қозогистон, Россия, Хитой, Германия, Испания, Австрия, Украина, Беларусь ва Эрон каби мамлакатлардан киркка якин фирма ва компания ўз махсулотлари ва хизматларини таклиф этмокда.

Кўргазмада энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган технологиялар, қайта тикланувчан энергия воситалари, электр ҳамда нефть ва газ мажмуалари учун жиҳозлар, паст ва юқори вольтли ускуналар, кабеллар, симлар, изоляторлар, трансформаторлар, насослар, компрессорлар, ёруглик манбалари ҳамда техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Барчаси электорат манфаатига қаратилди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Илхом ХАЙДАРОВ,

Марказий банкнинг Жиззах вилоят бош бошқармаси раиси ўринбосари:

 — Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар туфайли соҳа субъектларининг мамлакат ялпи ички махсулотидаги улуши тобора ортиб бораяпти.

Шу йилнинг саккиз ойи да-

вомида вилоят тижорат банклари томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари хисобидан 3404 та тадбиркорлик субъектига 72 298 миллион сўм микдорида кредит ажратилди. Уларнинг 37 фоизи киска, 63 фоизи узоқ муддатли кредитдир. Бу – ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21070 миллион сўм кўп, демак. Ажратилган кредитларнинг 26159 миллион сўмини микрокредитлар ташкил этади. Ахамиятли томони — мазкур кредитлар хисобига вилоятда 8565 та янги иш ўрни яратилди.

Бошланғич сармояни шакллантиришга 1 миллиард 763 миллион, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 1 миллиард 717 миллион, касбхунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун 728 миллион, имтиёзли кредитлаш жамғармаси хисобидан 455 миллион сўм кредит ажратилгани юзлаб янги тадбиркорлик субъектлари юзага келиши, минглаб кишилар иш билан банд бўлишига имкон яратди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан хамкорликда ўтказилган иқтисодий форумда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш максадида 275 миллион 100 минг сўм микдорида имтиёзли кредит маблаглари ажратилиши кўзда тутилган...

Форумнинг яна бир мухим йўналиши Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш бош бошкармаси би-



лан ҳамкорликда ташкил

этилган бўш иш ўринлари яр-

маркаси бўлди. Унда вилоят-

да фаолият кўрсатаётган

кўплаб иш берувчилар ўзла-

рида мавжуд бўш жойлар

хамда вакант лавозимлар би-

лан иштирок этди. Бу кўплаб

хотин-қизлар, ёшлар, жумла-

дан, касб-хунур коллежлари

битирувчилари ва бошқа

электорат вакиллари ўзлари-

га муносиб иш топиши учун

Жиззах вилоят Мехнат ва

ахолини ижтимоий мухофаза

бошлиғи вазифасини бажа-

Вилоятда яратилаётган

иш ўринларининг асосий

қисми чекка-чекка қишлоқ

жойлар хиссасига тўгри кел-

моқда. Битирувчи ёшларни ўз

мутахассислиги бўйича ишга

жойлаштириш зиммамиздаги

мухим вазифалардан хисоб-

ланади. Шу максадда бош-

қарма томонидан махсус дас-

тур ишлаб чиқилиб, унинг иж-

росини таъминлаш бўйича

мутасадди ташкилотлар би-

лан ҳамкорликда қатор иш-

Жорий йилда ахоли банд-

лигини таъминлаш юзасидан

тасдикланган вилоят худудий

ўрни ташкил этилиши кўзда

тутилган. Ўтган саккиз ой да-

вомида 31 829 та янги иш

Жумладан, янги объектлар-

ни ишга тушириш хисобига

581 та, корхоналарни қайта

қуриш, кенгайтириш ва иш-

лаб чикариш кувватларидан

унумли фойдаланиш хисоби-

га 40 та, кичик корхоналар

ва микрофирмаларни ташкил

лар қилинди.

ўрни очилди.

қулай имконият яратди.

Тохир САИДХОНОВ,

килиш бош бошкармаси

қилиш хисобига 8567 та, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хисобига 4448 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш хисобига

5814 та, уй мехнатининг барча шаклларини ташкил қилиш хисобига 9193 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, корхоналар билан кооперацияда мехнат шартномаси асосида касаначилик иш ўринларини ташкил этиш оркали 2780 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш йўналиши бўйича 3064 та, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш хисобига 122 та янги

ярмаркаларида 870 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 2442 та мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Бугунги ярмаркада худуддаги 260 та ишлаб чиқариш корхонаси, молия муассаса-

лари, қишлоқ ва сув хўжали-

Вилоятда корхоналар билан

кооперация асосида касана-

чиликни ривожлантириш бо-

расида йирик ва кичик са-

ноат корхоналарининг фаоли-

ятлари туман, шахар хоким-

ликлари хузуридаги ишчи ко-

миссиялар томонидан муво-

фиқлаштириб борилди.

Хозиргача вилоятда 35 маро-

таба бўш иш ўринлари яр-

маркаси ўтказилди. Меҳнат

ги бошқармалари, олий таълим муассасалари, консалтинг ва аудиторлик фирмалари, саноат корхоналари ўзларидаги 400 га якин иш жойи билан қатнашди. Форум доирасида ўтказилган мазкур мехнат ярмаркаси иш берувчиларга ёш, иқтидорли, замонавий билимлар ва касб сирларини эгаллаган мутахассисларни, вактинча ишсиз кишиларга эса ўзига маъқул иш топиш имконини яратди. Бу эса вилоятни ижтимоийиктисодий ривожлантиришга, ахоли турмуш фаровонлигини ошириш ва жойларда янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Шохинур АХРОРКУЛОВА:

иш ўрни ташкил қилинди.

Оиламиз тиббиётчилар оиласи. Шундан бўлса керак, мен хам бу касбга ёшлигимдан мехр қўйганман. Бу йил Жиззах шахридаги тиббиёт коллежи ҳамширалик иши йўналишини муваффақиятли тамомладим. Шундан буён қаерда, қайси тиббиёт муассасасида иш бошласам, деб ўйлаб юрган эдим. Форум доирасида ташкил этилган мехнат ярмаркасида Фориш туманидаги тиббиёт бирлашмасига хамшира вазифасига жойлашиш учун йўлланма олдим. Яқин кунларда мен коллежда олган билимларимни кишиларимиз саломатлиги учун сафарбар этаман.

Махлиё ШЕРКУЛОВА:

— Жиззах туманидаги маиший хизмат ва иқтисодиёт коллежини битирдим. Очиғи, анча вақтдан буён иш излаб юрган эдим. Мана, ярмаркада иштирок этиб, Жиззах туманидаги 18-мактабга лаборатория мудири вазифасига ишга таклиф этилдим. Бундан жуда хурсандман.

Сардор ЙЎЛДОШЕВ:

— Мен шу йил Жиззах давлат педагогика институтини битирдим. Ешлигимдан кўп орзу қилганим — психология мутахассислигини эгалладим. Бу сохани «Йигирма биринчи аср касби» деб аташади. Чунки кишиларга психологик ёрдам кўрсатиш зарурати кундан-

кунга ортмокда. Мен ҳам одамларга нафим тегса дейман. Карангки, ярмаркада мутахассислигим бўйича иш топдим. **Гофур ШАРИПОВ:**

— Мен Жиззах давлат педагогика институтини битириб, география фани ўқитувчиси ихтисослигини эгалладим. Ўзим Фориш туманида яшайман. Туманимиздаги 38-мактабнинг география фани ўқитувчиси вазифаси менга таклиф этилди. Энди ўзим туғилиб ўсган туманда болаларга севимли сохам бўйича сабок бераман.

Форум доирасида касаначилик, хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошлаган электорат вакиллари ишлаб чиқарган махсулотлар кўргазмаси хамда тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари бўйича методик услубий қўлланмалар намойиш этилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда оилавий бизнесни юритиш учун жуда катта имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган юртдошларимиз ўз оиласи фаровонлигини таъминлаяпти. Иктисодий форум доирасида ўтказилган тадбирлар мисолида бу хақиқат яна бир бор яққол намоён бўлди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Мехрож ДАРХОНОВ

ЎзХДП: Харакат дастури амалда

Қашқадарё вилоятининг катта имкониятга эга Яккабоғ, Шахрисабз ва Китоб туманларида қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ва ахоли бандлиги даражасини ошириш борасида амалий ишлар қилинмокда. Туманлар рахбариятининг изланиши, депутатлар ташаббуси ва таклифлари, одамларнинг ғайратшижоати билан амалга оширилмокда бу ишлар.

Бунёдкорлик калити

эҳтиёж, зарурият ва имконият уйгунлашуви

Яккабог туманидаги Қирғиз қишлоғига туташ адир тупроғи нихоятда соз. Шу боис бир вақтлар кичик ғишт заводи қурилган, аммо маблаг етишмагани учун чала қолган. Қурувчи Дамин Худойбердиев «Буюк Турон-Чинор» ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этгач, эски заводни таъмирлади. Кредит эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар олиб келди. Натижада 30 киши ишли бўлди. Бу ерда йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чи-

карилмокда. — Заводимиз кўмир билан ишлайди, — дейди тадбиркор Дамин Худойбердиев. — Бундан ташқари, яна 2 та кичик ғишт заводи бор. Йилига 10-12 миллион дона ғишт чиқарамиз. Шу туфайли 180 киши ишли бўлди. Курувчиларимиз намунавий лойиха асосида ўнта замонавий уй тиклашди. Қурилиш ашёси, яъни пишган ғишт ўзимиздан чиққани учун қийналмаяпмиз. Банкнинг 400 миллион сўм кредити хисобидан янги ускуналар сотиб олдик. Тупрогимиз соз. Қадим кулоллар бежизга Қизилдарё ўзанидаги тупрокдан фойдаланишмаган. Насиб этса. ундан сопол, томёпкич-черепица ишлаб чиқарамиз...

Яқинда Шахрисабзда ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Демократик ислохотларнинг янги боскичи ва унда партия ташкилотларининг амалий иштироки» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда туман Кенгашидаги депутатлик гурухи рахбари Собир Каримов кредитларни ишлаб чиқариш ва кичик зи корхонасининг ўқув маркариш борасида амалий таклиф

Бинобарин, партиямизнинг Харакат дастурида жойларда қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, шу орқали ахоли бандлигини ошириш масаласи белгилаб қўйилган. Ха, минтақавий ривожланиш дастурларини амалга оширишга хисса қўшиш, ўткир муаммоларни кўтариб чиқиш депутатлар ва партия ташкилотларининг мухим вазифасидир. Тўғри, муқаддам туман партия кенгаши фаолиятида сусайиш сезилди. Хозир янги етакчи сайланган. Хатолардан сабоқ чиқарилаяпти.

Хўш, туманда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имконияти қандай?

Таъкидлаш керакки, Шахрисабз ахолиси ва мехнат омиллари ўсиб бораётган туман. Иқлими, табиати мўътадил бўлгани учун қишлоқ хўжалиги ривожланиб, пахта, ғалла, сабзавот, узум, гўшт ва сут етиштириш ошмоқда. Хозир ароқшароб, консерва корхоналари, катта қувватли пиллакашлик корхонаси самарали фаолият кўрсатаяпти. Бу йил «Кеш-Кумуш тола» корхонаси ҳам таъмирдан чиқарилгач, пилла қабул қилди, шу тариқа 250 нафар киши ишли бўлди...

Айниқса, «Шахрисабз норуда материаллар» корхонаси махсулоти ўз сифати билан ажралиб туради. Корхона ишлаб чиқарган кум-шағал Навоийдаги халқаро аэропорт қурилишида ҳам қўл келди. Шу йилнинг ўтган олти ойида 2 миллиард 236 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада мехнат қилаётган ишчилар яхши даромад олмокда. «Оқсарой текстил» МЧЖ Ташқи иқтисодий фаолият

Миллий банки тасарруфига ўтгач, ўзини ўнглаб олди. Биргина ўтган йили 25 миллиард сўмга якин кийматга эга махсулот ишлаб чиқарди. Энг мухими, хорижий ускуналарни бемалол бошқараётган кўплаб малакали ишчиларни камолга етказди. Корхонанинг янги конус ишлаб чиқариш цехида 6 та, ижарага олинган «Садо» МЧЖда 47 та иш ўрни очилди.

Туманда иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурига кўра, бу йил 10655 та иш ўрни очиш кўзда тутилган. Хозиргача 7,5 мингдан ошиқ иш ўрни ташкил этилди. Бунга фақат йирик корхоналар эмас, балки кичик бизнес субъектлари хам ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, «Носиров Тўра Улашович» кичик корхонаси ўтган йили сутни қайта ишлаш ускунаси ўрнатиб, 25 кишини мехнат билан банд қилди. Гўшт ва сутни қайта ишлаётган кичик корхоналар ўттиздан ошиқ. Шу йилнинг январьиюнь ойларида 34 та янги кичик саноат корхонаси ишга туширилди, уларнинг 14 таси қурилиш, 4 таси озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «AQUA BOTTLERS» қўшма корхонаси ўз маблағи хисобига бир кеча-кундузда 24 минг дона муздай ичимлик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 20 та янги иш ўрни очди. Шунингдек, 15 та саноат корхонасини модернизация килиш хисобидан

139 та иш ўрни яратилди. Туманда миллий хунармандчилик хам ривожланиб бораяпти. «Ироки» каштачилик марказида 70 нафар чевар ишлайди Яна 100 нафардан ортиқ касаначи уйида меҳнат қилаяпти. Хуллас, туманнинг тажрибаси ўрнак бўларли.

Шахрисабз корхоналарига туманимиз миришкорлари узум ва сабзавот махсулотлари етказиб беради, — дейди Китоб тумани хокими ўринбосари Олмос Қобилов. — Жорий йилда 45 минг тонна сабзавот, 23 минг тонна картошка, 17 минг тонна узум, 13 минг тонна мева етиштириш ҳаракатидамиз. Биласиз, туманимиз сабзавотчилик, узумчилик ва мевачиликка ихтисослашган. Якинда хар бири 200 тонна махсулот саклай оладиган 2 та совутгич-омборхона ишга туширилди. Бу борада ажратилган кредитлар иктисодиётнинг реал тармогини ривожлантиришга йўналтирилмокда.

Ха, туманда ибратли ишлар кўп. Бу йил ғалла етиштириш бўйича яхши натижага эришилди. Кичик бизнеснинг ялпи махсулотдаги улуши 70 фоиздан ошик. Китоблик тадбиркорлар кўплаб истикболли лойихаларни амалга оширмокда. Иқтидорли мухандис Юсуф Гуломов ўзи ташкил этган «Жавохир Акрам» кичик корхонасида чикинди пластмасса идишларни кайта ишлаб. томёпқич ва қувурлар тайёрлашни йўлга қўйди. «Тевабоши» корхонасида сут махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Сутни қайта ишлайдиган кичик корхоналар 6 тага етди. «Замон», «Анзур», «Кифтиоб консервасервис», «Севаз табиий шарбатлар» кичик корхоналари сабзавот ва узумни қайта ишламоқда. Мева қуритишга ихтисослашган «Гўзал савдосервис» кичик корхонасида 16 та иш ўрни очилди.

 Туманимизда кичик корхоналар кўпаймоқда, — дейди ЎзХДП Китоб туман кенгаши раиси Санжар Курбонов. — Бу ахолини доимий иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишда мухим ахамият касб этмокда, юрт ободлиги ва равнақига замин яратмоқда.

Зеро, бугунги куннинг талаби шундай, ҳар бир инсон мамлакатимиздаги улкан яратувчилик ишига ўз хиссасини қўшиши лозим. Шунда ҳаёт яшаради, вохалар гуллаб-яшнайди...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Жиноят ва жазо

«Килмишларимдан пушаймонман...»

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида экстремистик гурухнинг 6 нафар аъзоси устидан суд жараёни бошланди.

2009 йил ўрталарида мамлакатимизда содир этилган баъзи ёвуз жиноятларни юртдошларимиз унутишгани йўқ. Ўшанда номаълум жиноий гурухлар томонидан диний идоралар вакиллари, масжиду мадрасаларнинг имом-хатиблари хамда хуқуқ-тартибот тизими ходимларига суиқасд уюштирилган эди. Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирув ишлари натижасида ушбу ўта оғир жиноятларни содир этганлар Узбекистонда яширин фаолият юритаётган диний-экстримистик гурух аъзолари бўлиб чиқди. 1999 йил 16 февралда пойтахтимизда содир этилган қўпорувчилик ҳараракатлари иштирокчиси сифатида айбланиб, қидирилаётган Шавкат Махмудов мазкур гурухнинг рахбари эканлиги аникланди. Чечинистон ва Догистонда харбий тайёргарликдан ўтган, Украинада яшириниб юрган ва жиноий қилмишлари туфайли бу ердан ҳам қочиб кетган Ш.Махмудов 2008 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шахрига келиб бошпана топади ва Ўзбекистонда жиходчилар гурухини тузиш харакатини бошлайди. Кўп ўтмай у мамлакатимизга келиб, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга киришади...

Диний экстремистик гурух аъзоларидан бири 1978 йилда Қарши шахрида туғилган, ўзбек миллатига мансуб Сухроб Бозоров Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97, 112, 127, 145, 155, 156, 159, 161, 173, 179, 182, 184, 189, 209, 219, 223, 227, 242, 243, 2441, 2442, 246, 247, 248, 267-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланмокда.

У ўз кўрсатмасида Қашқадарё вилояти Қарши шахрининг Наврўз маҳалласида яшаганлиги, 1994 йилда ўрта мактабни тамомлаб, сартарошлик фаолияти билан шуғулланганлиги ва ўша пайтда 1988 йилда туғилган Алишер Нуриддинов (жазо муддатини ўтамоқда) билан танишганлигини баён қилди.

2008 йилнинг охирларида С.Бозоров даволаниш мақсадида турмуш ўртоги хамда уч нафар вояга етмаган фарзанди билан Тошкент шахрига кўчиб келади. Олмазор тумани Қорақамиш дахасида жойлашган кўпкаватли уйлардаги хонадонлардан бирини ижарага олиб, яшай бошлайди. Рўзгор тебратиш илинжида «Матиз» русумли автомашинасида киракашлик билан шуғулланаётган Сухроб пойтахтда эски таниши Алишер Нуриддинов билан яна қайтадан алоқа ўрнатади.

2009 йилнинг баҳор ойи бошларида Алишер мени Шавкат Махмудов деган одам билан таништирди, – дейди айбланувчи С.Бозоров. – Уни «Умар» деб аташаркан. Алишер ижарага олган манзилига, яъни Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 3уй, 19-хонадонга борганимда, бу ерда Умардан ташқари синфдошим Баходир Нуриллаев хам бор экан, унинг акаси Бахриддин хам кейинчалик сафимизга қўшилди. Ушанда Умар бизга жиход хақида, кимки бу йўлга кирмаса ёки бош тортса, кофир бўлиши тўгрисида гапирди ва сўнгра истасак бу хусусда таълимот беришини таклиф қилди. Биз рози

Орадан кўп ўтмай сабоқлар бошланди. Одатда ҳафтанинг шанба кунлари гох Бахтиёр, гох Алишер Нуриллаев ижарага олган манзилларда хуфёна йигилиб турдик. Умар, яъни Ш. Махмудовдан жиход хусусида таълимотлар олдик. Кейинчалик мен ҳам ака-ука Нуриллаевлар хомийлигида алохида хонадонни ижарага олдим. Дарслар навбати билан шу ерда ҳам ўтказиларди. Сафимиз Қарши шахридан келган Абдурахим лакабли Ш.Купайсинов, Акбар Қурбанов, Анвар Рахматов, Р.Тўраевлар хисобига кенгайиб бораверди. Умар жамоат амири мартабасида эди...

С.Бозоровнинг айтишича, Ш.Махмудов жиходчилар учун жисмоний тайёргарлик зарур, деб даъват қилади. 2009 йил апрель ойида С.Бозоров шериги Алишер Нуриддинов билан Юнусобод туманида жойлашган «Юнусобод спорт мажмуаси»да жанг санъати сирларини ўргана бош-

— Орадан кўп ўтмай мен оилам билан Қашқадарёга кетдим, — дейди С.Бозоров. — Шу орада Баходир Нуриллаев хибсга олинибди. Алишерни топиб, Умар билан учрашдик. Жамоат амири зудлик билан Узбекистондан чикиб кетишимиз лозимлигини айтди. Шундан сўнг иккинчи турмуш ўртогим Гулсанам Тошева билан бирга Олмаота шахрига йўл олдик ва ўша ерда ижарада яшадик. 2010 йил 9 июнь куни мени шахар ички ишлар ходимлари ушлаб қамашди ва 2011 йилнинг 9 июнь куни Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширишди.



Шавкат Махмудов рахнамолигидаги бизнинг оқимнинг номи «Ислом жиходчилари» эди. Оқимнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида ислом давлати қуриш ва бунинг учун хукуматни жиход йўли билан эгаллаш эди...

Хозир барча жиноий килмишларимдан пушаймонман..

Эхтимол, у ростдан хам товба-тазарру қилаётгандир, эхтимол сўзи бошқа, кўнгли бошқадир? Бунга ва бошқа саволларга суд баҳо беради, албатта. Аммо шу ўринда киши беихтиёр ўйга толади: бундай боши берк кўчага кириб, ёвуз кучлар тўрига илиниб, сўнг афсус-надомат чекканларни бугун судланаётганлар илгари кўрмаганмиди, билмаганмиди? Мамлакатимиз ташқарисидан туриб, бузғунчиликларни уюштираётганлар қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз ҳаётини бадном қилганлар қисмати буларга сабоқ бўлмаганмиди?..

Агар улар бу хатти-ҳаракатлар оқибати нима бўлишини ўз вақтида чуқур ўйлаб кўрганида бугун надомат қилиб ўтирмаган бўлар эди.

Суд жараёни давом этмокда Феруз ФУРКАТОВ Суд-хуқуқ ислохотлари

Инсонга эътибор

давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Мустакиллик йилларида суд-хукук тизимини ислох ганлиги муносабати билан жиэтиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқини судларга ўтказиш тўгрисида»ги Фармони жиноий жазоларни либераллаштириш ва инсон хақ-хуқуқларини химоялашда ўта мухим қадам бўлди.

Фармонда белгилаб қўйилганидек, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларни қамоққа олишга санкция бериш хуқуқи судлар ваколатига ўтказилди ва амалдаги конун хужжатларига бу борада қатор ўзгартишлар киритилди.

Мазкур Фармон фукаролар хукукларини химоя килишда қатор афзалликлар туғдиради. Яъни, жиноят процессуал тортишув тамойили суриштирув ва дастлабки тергов босқичидан амал қила бошлайди. Аникроги, қамоққа олиш масаласи мухокама этилаётган пайтла айблов билан бирга химоя томонидан манфаатдор шахсларнинг тўлиқ иштирок этиши таъминланади.

Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқининг судларга ўтказилиши фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлигини сезиларли даражада оширди. Шу билан бирга, бу тамойил Конституциямизда белгилаб қўйилган шахснинг хукук ва эркинликлари дахлсизлиги суд қарорисиз ундан махрум этишга ёки уни чеклаб қўйишга хеч кимнинг хаққи йўқлиги хақидаги умумэътироф этилган меъёрга тўла мос келади.

Мутахассислар фикрича, мазкур Фармоннинг мухим жихати судлар жиноятларни очишга масъул бўлмагани учун хар бир ишга холис ёндашишига имкон беради. Иккинчидан, хокимият бўлиниши тамойилининг тўла таъминланишига олиб келади. Учинчидан, жиноятни очиш хамда тергов қилиш жараёнларида прокурор ва адвокатнинг мавкеини тенглаштиришга асос вазифасини ўтай-

Шу ўринда қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларда суд томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эхтиёт чорасини қўллаш ёки камокда саклаб туриш муддатини узайтириш тўгрисидаги масалани хал қилишда унинг айблилиги ёки айбсизлиги масаласи мухокама килинмаслиги лозимлиги хакида зарур коида киритилганини алохида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, суд жараёнида гумонланувчи ёки айбланувчи химоячиси билан иштирок этиш хуқуқига эга, ўз навбатида қарор устидан апелляция тартибида шикоят беришига, шикоят юқори суд инстанцияси томонидан кайта кўриб чиқилишига йўл очди.

2001 йили «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари хамда Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хакида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун миллий қадрият ва шаркона анъаналаримизга мос ва мувофик экани билан ажралиб туради. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар мукаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олиб, жиноят оқибатида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан бартараф этса, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни харакатдан тугатади.

Жиноят кодексига ярашил-

ноий жавобгарликдан озод қилиш институти киритилганидан буён унинг таъсир доирасига тушувчи шахслар сони ортиб бормокда. 2001 йили жиноят қонунининг 26 та мод-

дасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан бу институт қўлланган бўлса. 2004 йилда 40 та модда бўйича қўлланила бошланди. 2004 йил 24 августда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида»ги Қонун қабул қилингунга қадар ярашув институти муқаддам судланиб, судланганлик муддати конунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган шахсларга нисбатан жорий этилиши мумкин эмас эди. Қонундаги бу чеклашлар ярашув тўгрисидаги ишларни юритишда анча муаммо ва эътирозларга сабаб бўлди. Бу қонун қабул қилиниши билан чеклашларга бархам берилиб, судланганлик муддати тугаган

ёки судланганлик муддати

белгиланган тартибда олиб

ташланган шахсларга нисба-

тан ҳам ярашув институти тат-

бик килинадиган бўлди.

Хозирги кунда судда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имкони вужудга келди. Ярашув институтининг йилдан-йилга татбиқ этиш кўлами кенгайиши қанчадан-қанча жабрланувчиларга енгиллик тугдириб, давлатга етказилган катта миқдордаги моддий ва маънавий зарарларни қоплашга сабаб бўлмокда. Энг асосийси, айбдорларни «судланган» деган «ёрлиқ»дан халос бўлишига олиб келмоқда. Буни Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур қонун қабул қилинган 2001 йили 118 нафар шахсга нисбатан ярашув институти қўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 2171 нафар ва 2011 йилнинг биринчи ярмида 939 нафарни ташкил

қилади. Ярашув институтининг бу тахлиддаги ўсиб бориши унинг самарадорлик даражасини белгилайди.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган хисобланади. Учинчидан, айбдорни кечириш орқали улар жазолан-

масдан тарбияланади. Айрим мисолларга мурожаат этайлик. Фозилжон Гоипов «Кишлоқхўжаликкимё» ДАЖ Оккургон туман филиалининг С.Сегизбоев номли шохобчасида омбор мудири бўлиб ишлаган вақтда минерал ўғитларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Суд мажлисида Фозилжон Гоипов содир этган жиноий харакатларига тўлик икрор бўлди, қилмишидан пушаймонлигини, ўзи етказган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, фуқаровий даъвогар билан ўзаро ярашганини баён қилиб, фуқаровий даъвогарнинг ярашганлиги хакидаги аризасига асосан жиноят ишини харакатдан тугатишни сўради. Суд илтимосни каноатлантириб. жиноят ишини харакатдан ту-

гатди. Бекобод туманида яшовчи М. Шербеков фукаро И. Қосимовни уриб тан жарохати етказган. Ишдаги тўпланган далиллар ва судда аникланган холатларга кўра, айбланувчи М. Шербеков ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи И.Қосимов билан дастлабки тергов давомида ярашган, жабрланувчи ихтиёрий равишда даъводан воз кечган. Айбланувчи жабр-



ланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлик қоплаган. Шунинг учун мазкур жиноят иши харакатдан тугатилди.

Яна бир холат. Фукаро И. Маматкулов ўзига тегишли енгил автомашинани бошкариб кетаётиб, пиёда Й.Олмановни уриб юборган. Натижада Й.Олманов ўртача огирликда тан жарохати олиб, шифохонага ёткизилган. Айбланувчи И.Маматкулов айбига тулик икрор булиб. дастлабки тергов даврида жабрланувчи билан ярашган. Судда жабрланувчи ўз даъвосидан ихтиёрий равишда воз кечиб, айбланувчи унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, ярашув ўзининг ихтиёри билан бўлганини баён этган. Суд ажримига кўра, И. Маматкуловнинг жиноят иши жабрланувчи билан ярашганлиги сабабли тугатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мухтасар айтганда, хозир республикадаги умумюрисдикция судлари томонидан ярашув институтининг самарали қўлланилаётгани инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганининг яккол ифодасидир.

> Исматулла МАМАНОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси. Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Ер орбитасида

мехнат таътилини ўтказишингиз мумкин

«Orbital Technologies» компанияси яна беш йилдан кейин мехнат таътилини Ер орбитасида ўтказишни ихтиёр этган кўнгиллилар учун само багрида ўзига хос мехмонхона очишни мўлжаллаб турибди. Фақат само бағрида ўтказилган бу таътил кўнгиллилар учун қанчага тушиши ҳозирча ҳисоб-китоб қилингани йўқ.

Мухандисларнинг фикрича, биринчи галда космик мехмонхона 4 та каютадан иборат бўлади. Унда яшаш учун 7 киши Ердан ракетада парвоз қилиши мумкин. Сайёхларни орбитага олиб чиқиш ва коинотдан Ерга олиб тушиш Россиянинг «Союз» космик кемаси ёрдамида амалга оширилади. Самовий мехмонхона сайёхлари истеъмоли учун озиковқат махсулотлари эса «Прогресс» юк кемасида коинотга олиб чиқилади.

Мижозларни Ер орбитасида ўн йилдан ортик вактдан бери фаолият олиб бораётган Халқаро



космик станцияга сайёхлар жўнатишда «Роскосмос» билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган «Space Adventures» компанияси танлайди ва жўнатади.

Зилзила кучини тўгри бахолай олишмади

шу боис суд олдида жавоб беришмокда

2009 йил 6 апрелда Италиянинг Абруццо маъмурий худудидаги Аквил туманида кучи 6.7 магнитудага тенг зилзила юз берган эди. Италия ахборот воситаларида қайд этилишича, мазкур табиий офат юз бериши аввалдан маълум бўлган.



Аммо сейсмологлар унинг кучини тўгри бахолай олишмаган, негаки, 2008 йил охиридан қайд этила бошланган 400 та кучсиз зилзила уларга «панд» берган. Яъни, яна шундай кучсиз зилзила юз бериши мумкин, деб ўйлашган. Бундан ташқари, туман маъмуриятининг вахима кўтармаслик лозимлиги тўгрисидаги гапларига риоя қилиб, зилзила кучини камайтириб айтишган.

Ушанда зилзила окибатида 309 киши бевақт ҳаётдан кўз юмган, 120 мингдан ортик ахоли жабр кўрган. Бир қанча турар-жой ва қадимий иншоотлар вайрон

«France Presse» АА хабар беришича, ўша пайтда зилзила кучини тўгри бахолай олмагани учун 7 кишидан иборат сейсмолог ва туман маъмурияти вакиллари устидан шу кунларда суд жараёнлари давом этмокда. Улар юз бериши мумкин бўлган зилзилалар кучини аниклаш ва бу хакда маъмуриятни огохлантирувчи эксперт гурухи аъзоларидир. Улар орасида Италиянинг Геофизика ва вулконология миллий институти президенти Энцо Боски ва Генуи университети профессори Клаудио Эва бор.

Судланувчилар ўзларига қўйилган айбловларни рад этмокда. Уларнинг айтишларича, юз бериши мумкин бўлган ерости силкиниши кучини вактини ўша «алгов-далгов», яъни, кучсиз зилзилалар бўлиб турган пайтда аввалдан айтиб беришнинг иложи бўлмаган.

Суд уларга 15 йил қамоқ жазоси ва 21 миллион евродан ортик микдорда жарима жазоси белгилаши мумкин.

Молия муассасаларида

Реклама

«ACAKA» БАНК ишончли хамкор

■ Молия хизматлари бозорида етакчи мавкега эга «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг «Автотранспорт» филиали ўз ваколатлари доирасида мижозларга барча турдаги, жумладан, хисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада омонатлар жалб қилиш ва бунинг ҳисобига кредитлар ажратиш каби хизматларни тақдим этиб келмоқда. Ахолидан ва юридик шахслардан жалб этилган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг мухим сохаларига самарали равишда йўналтириб, бу маблағларни омонатчилар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтирмокда.

«Асака» банк (ОАЖ) «Автотранспорт» филиали тармогида 3 та мини банк, 3 та махсус касса, ахолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилувчи 14 та шохобча мавжуд бўлиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятга эга ва ундан унумли фойданилмокда.

Мижозларнинг талаб ва эхтиёжларини қондириш, иқтисодиётнинг турли сохасида фаолият кўрсатувчи йирик саноат корхоналари хамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали молиявий хизмат кўрсатиш банк жамоасининг бирдан-бир мақсадидир.

Филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга кулайлик яратиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида алохида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган.

Бу ерда банкнинг юкори малакали мутахассислари кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга барча масалалар юзасидан тўлақонли тушунча беришади, мижозларнинг барча саволлари ва муаммоларини қисқа муддатда хал килишади.

Дарвоке, «Тадбиркорлар хо-

наси» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши учун барча зарур техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий хужжатлар билан жихозланган.

2011 йилнинг биринчи ярмида филиал асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг инвестицион лойихаларини молиялаштиришга, техник ва технологик жихозларни модернизациялашга йўналтирилган кредит сиёсатига қаратди.

Жорий йил 1 сентябригача мазкур филиал тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис сохасини ривожлантириш учун 5 306,2 миллион сўм, Президентимизнинг 1047- ва 1050-сонли қарорларига мувофик озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқариш учун 7 057,0 миллион сўм, ноозиқовқат махсулотлар ишлаб чиқариш учун 5 018,0 миллион сўм микдорида кредит маблағлари ажратди. Бу эса корхоналарнинг рақобатдошлигини оширибгина қолмай, ахолининг арзон ва сифатли махсулотга бўлган талабини қондиришда мухим ахамият касб этмокда.

Йил бошидан буён ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебель жихозлари, узок муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур буюмлар харид қилиш учун 1 445,5 миллион сўм микдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Умуман, хизмат маданиятини ошириш хисобига мижозлар сафи кенгайиб, уларнинг банкка бўлган ишончи янада мустахкамланмокда.

Бугунги хаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кичик бизнес субъектларига ўтган 8 ой мобайнида 25 449,2 миллион сўм микдорида кредит ажратилиб, микромолиялаш борасида ажратилган кредитлар салмоги 248,9 миллион сўмни ташкил

Пойтахтимиз хотин-қизлари орасида тадбиркорликни йўлга қўйиб, турли сохада хизмат кўрсатаётган, сифатли ва бежирим махсулотлар ишлаб чиқараётган, қўшимча иш ўринлари яратаётган замондошларимиз оз эмас. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 1 280,2 миллион сўм микдорида кредит ажратилгани эътиборга молик,

2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили деб эълон килиниши муносабати билан «Асака» банки мазкур соха вакиллари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохасида «2011 йилнинг энг яхши лойихаси» деган танлов эълон килди. Танлов якунига кўра, «Автотранспорт» филиали мижози «Сафо Тиббиёт» МЧЖ лойихаси 3ўрин билан мукофотланди. Бу банк жамоасига ғайрат-шижоат ва кўтаринки кайфият бағишлади. Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредитлар олиш хуқуқини берувчи диплом ва кимматбахо совгалар билан такдирланди.


Молиявий муассаса томонидан нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва ахолининг бўш пул маблагларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида ахоли омонатлари қолдиғи 2011 йилнинг 1 сентябрь холатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 фоиз ўсишига эришилди.

Юртбошимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларидаги ахоли омонатлари шартларини либераллаштириш хамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармонига асосан банклардаги омонатга қўйилган ахолининг бўш пул маблаглари ва олинадиган даромадлари барча турдаги соликлардан озод этилди, маблагларни чекловларсиз ишлатиш хуқуқи берилди. Бу имконият ва имтиёзлар ахолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустахкамлади. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун «Асака» банкнинг «Автотранспорт» филиали ахоли эътиборига 81 та миллий ва хорижий валютадаги омонат турларини такдим этмокда. Ахолининг бўш пул маблағ-

лари омонатга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида миллий ва хорижий валютадаги 11 та янги омонат турлари жорий этилди. Сақлаш муддати турлича ва фоиз даромадлари юкори бўлган омонатлар сирасига «Тухфа», « Яхши ният», «Истиқлол», «Бахорги-1», «Сармоя», «Тадбиркор», «Даромадли-1», «Самарали», «Хотира», «Файзли-1», «Эҳтиром-2011» каби ва бошқа омонат турлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда нақд пулсиз хисоб-китоб тизимини ривожлантиришда банк пластик карточкаларининг ахамияти жуда мухим. Пластик карточкалар орқали банк мижозларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендия ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, ахоли томонидан коммунал тўловлар бўйича карздорликни тўлаш, савдо, умумий овкатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан харид қилинган товарлар хамда кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни дархол амалга ошириш имконини яра-

Бугунгача филиал томонидан 43 667 дона пластик карта муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 472 донага кўпайди. Ўрнатилган терминаллар эса 259 тадан 303 тага етди, 3 та банкомат ва 3 та инфокиоск ўрнатилди. 450 та корхона ва ташкилотла «Иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг ялпи сони 450



банк жамоасининг

бирдан-бир мақса-

дидир. тага етди. Пластик карточкалар оркали савдо айланмаси миқдори 2 753,7 миллиард сўмни ташкил килди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 136 миллион сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, филиал томонидан мижозларга яратилган яна бир қулайлик — берилган савдо терминаллари фаолият жойидан узоқлашмаган холда телефон тармоги орқали инкассация, яъни савдо қилинган маблағларни банкдаги хисоб варағига тўғридантўгри тушириш имконини беради. Бу эса мижозлар вақтини тежашига қулайлик яратмокда.

Шунингдек, филиалда ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банк махсулотлари хамда хизматларини кенг ва сифатли кўрсатиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Мижозларга масофадан



NKLAR - TADBIRKORLAR HAMOONI VA ISHONCHLI TAYANCHI

мокда. «Асака» банк мижозларига хозирги кун талабига жавоб берадиган «Интернет Банкинг» хизмат тури таклиф этилмоқда. Мазкур хизмат тури мижозга ўз уйидан туриб, Интернет орқали банкдаги мавжуд хисоб ракамидаги пул маблагларини ишлатиш имконини беради.

хизмат турлари кенгайиб бор-

Мухтасар айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойихаларини молиялаштириш, мижозларга юқори сифатли банк хизмати кўрсатиш, ахоли бўш пул маблагини банк кассаларига жалб қилиш, бу ишларни янада кучайтириш банк жамоасининг

доимий диққат марказида. Ахборот хизмати бўлими. 2011-yil, 22-sentabr. Payshanba

Спорт

Бугун пойтахтимиз яна бир катта спорт байрамига мезбонлик қилмоқда. «Узбекистон» спорт саройи муайтай бўйича ўтаётган жахон чемпионати иштирокчилари, мехмонлар ва мухлислар билан гавжум. Мусобақа низомига кўра, ёшлар, аёллар ҳамда катталар ўртасида ғолиблар аниқланади. Чемпионатда дунёнинг етмишга яқин давлатидан келган етти юздан зиёд спортчи рингга чикмокда.

Биз фурсатдан фойдаланиб, мехмонларнинг Ватанимиз хакидаги илк таассуротлари, жахон чемпионатига доир фикр-мулохазалари билан қизиқдик.

«Узбекистон бизни мафтун этди!»

 дейишмоқда пойтахтимизда муайтай буйича давом этаётган жахон чемпионати қатнашчилари.



Сакчай ТАПСУАН, Халқаро ҳаваскорлар муайтай федерацияси (IFMA) президенти:

Юртингизга учинчи маротаба ташриф буюришим. Илк маротаба бундан уч йил муқаддам Ўзбекистонга келган эдим. Бу замин кишиларининг мехмондўстлиги, халкингизнинг самимий ва очиккўнгиллиги мени мафтун этиб келади. Хар сафар келганимда Ўзбекистонда янгиянги бунёдкорликларнинг гувохи бўламан. Бу эса халқингизнинг изланувчанлиги, яратувчанлиги ва энг мухими, мехнатсеварлигидан дарак беради. Ўтган йилнинг ёзида Тошкентда муайтай бўйича ўтказилган Осиё чемпионатини бевосита кузатиб борганман. Бир йил ичида пойтахтингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Бир-биридан мухташам иморатлар, кўркам кўча ва хиёбонларни, айникса, янги спорт саройларини кўрган кишининг ақли шошади.

Давлатингиз рахбари ташаббуси билан барча спорт турлари бирдек тараққий топаётгани, иқтидорларга катта эътибор берилаётгани хавас қилса арзийдиган ходиса. Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган қулайлик Ўзбекистонда соглом ва баркамол авлодни вояга етказиш учун муносиб пойдевор қўйилганидан дарак беради. Қолаверса, юртингиз спортчилари Осие ва жахон чемпионатларида қўлга киритаётган ютуклар Ўзбекистон чинакам истеъдодлар Ватани эканини кўрсатади. Биз муайтай буйича жахон чемпионати мезбонлигига Тошкентни танлаганимиздан бехад хурсандмиз. Мусобаканинг тантанали очилиш маросими хаяжонларга бой бўлди. Жахон чемпионатини юксак савияда ўтказишда амалий ёрдамини аямаган хукуматингизга миннатдорлик бил-

дираман

Сония КУЛИН, таиландлик таникли муайтай юлдузи:

Очиғи, бундай гўзал диёрдан кет-

гим келмай қолди. Ўзим аслида таиландлик бўлсам-да, Англияда тахсил олганман. Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатида бўлганман. Аммо Ўзбекистон каби йилнинг тўрт фаслини кечирадиган сўлим диёрни, бундай мехмондўст ва иктидорли халқни хамма жойдан хам топиш қийин. Жахон чемпионатига жуда катта хозирлик кўрилган. Ўзбекистон спортчиларининг нафақат муайтай бўйича, балки бошка спорт турлари бўйича Олимпия ўйинларидаги иштирокини кузатиб келаман Улар эришаётган натижалар мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўгри йўлга қўйилгани туфайли. Биргина мисол, яқинда футбол бўйича ОФК кубогининг чорак финал дастлабки ўйинида Ўзбекистоннинг «Насаф» жамоаси Таиландда «Чонбури» футболчиларини маглубиятга учратди. Албатта, бу натижа таиландликларга ёқмаган бўлиши мумкин. Аммо бу — спорт, унда омад кучлиларга кулиб боқади. Айнан бу жуфтликларнинг жавоб учрашуви муайтай бўйича жахон чемпионати финал беллашувлари билан бир кунда, яъни 27 сентябрда ўтказилар экан. Имконият бўлса, Қаршига бориб, «Насаф» — «Чонбури» ўйинини кўрган бўлар эдим.

Жахон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида бир хикматга кўзим тушди, тўгрироги, таржимоним унга эътибор қаратди: «Хеч бир нарса мамлакатни спортчалик дунёга тез танита олмай-

Мамлакатингиз рахбари жуда оқилона фикр айтган. Давлат рахбари спортга шундай мехр қўйганми, демак, спортчилар хеч кимдан кам бўлмайди..

Эркин ХОЛБОБО ёзиб олди.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Инсон қадр-қиммати **хар нарсадан улуғ...**

Пойтахтимизда Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Тошкент шахар бўлими, Адлия ва Мудофаа вазирликлари хамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббуси билан жисмоний имконияти чекланган фукаролар учун мустакиллигимизнинг 20 йиллигига багишланган тадбир ўтказилди. Унга Тошкент шахри ва вилоятлардан 200 нафардан ортиқ ногирон таклиф этилди.

Харбий офицерлар ногиронларнинг автобуслардан тушишига, аравачаларнинг юриши учун ноқулай бўлган зиналардан кўтарилишига кўмаклашаяпти. Миллий либослардаги гўзал қизларимиз эса уларнинг ҳар бирига ширин табассум ва анвойи гуллар улашмоқда. Жисмоний имконияти чекланган кишилар, уларнинг яқинлари, ота-оналари учун тўкин ва файзли дастурхон ёзилган...

Ватанимиз мадхияси садолари остида бошланган тадбир Узбекистон Куролли Кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда ёш эстрада хонандалари ижросидаги ажойиб куйқўшиқлар билан давом этди.

 Мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий химоя килиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имтиёзларини қонуний мустахкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, дейди Узбекистон ногиронлар жамиятининг Тошкент шахар бўлими раиси Хасанбой Бурхонов. — Улар таълим олиши, касб-хунар ўрганиши, доимий иш билан таъминланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бугунги тадбир ҳам ана шу ғамхўрлик меваси

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жахон сахнасида пайдо бўлганидан буён жуда катта юксалишга эришди, — дейди АҚШнинг Узбекистондаги элчихонаси масъул ходими Эрик Коллингс. — Ўтган қисқа даврда давлат ва жамият қурилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий сохаларда жахоншумул ютукларни кўлга киритди. Айниқса, халқингизнинг асрий урф-олат ва анъаналар хамла ижтимоий багрикенглик каби эзгу тамойиллар асосида тараққиёт сари дадил одимлаётгани олкишга лойик. Бугунги тадбирда қатнашиб, Ўзбекистонда инсон шаъни, унинг қадр-қиммати хамма нарсадан устун эканига амин бўлдим.

 Шаҳарчамиз ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари, талабалар турар-жой биноларида жис-



учун барча қулайлик муҳайё этилган, дейди Узбекистон ногиронлар жамиятининг «Ешлик» талабалар шахарчаси бўлими раиси ўринбосари Элмурод Мамадиев. — Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, илмий-ижодий ва интеллектуал салохиятини янада юксалтириши учун махсус ўқув хамда компьютер курслари ташкил этилган. Шахарчамизда Ўзбекистон ногиронлар жамияти бўлимининг очилиши хам уларнинг бир-бири билан дўстлашиши, ҳамфикр бўлиши учун имконият яратди. Шундан бўлса керак, хозир улар орасида қобилият ва истеъдод борасида ҳеч кимдан қолишмайдиган йигит-қизлар кўпайиб бормокда. Бугун байрам оқшомига ана шундай тала-

ба ва ўқувчиларни олиб келганмиз. Тўккиз ёшимла шеърият оламига қадам қўйганман, — дейди **ЎзМУ** филология факультети талабаси Дилдора Оқбўтаева. — Кўплаб шеърларим газета ва журналларда эълон килинган. Бундан ташкари, «Мархабо, талантлар», «Қўлда қалам билан Истиклолни куйлайман» каби адабий кечалар ва танловларда катнашганман. Хозир Ўзбекистон миллий университетида тахсил олаяп-

ман. Бунинг барчаси бизга яратилган катта имконият ва юксак ғамхўрлик туфайли. Бугунги тадбир ҳам унутилмас дамларни такдим этмокда...

— Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатдаги ногирон фукароларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги тахсинга лойиқ, — дейди АҚШ миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги филиали директори **Кларк Плексико.** — Тўгриси, хеч бир давлатда бундай эътиборни кўрмаганман. Бу байрам, хусусан, унда иштирок этаётган инсонларнинг юз-кўзидаги қувонч, улар ижросидаги шўхшодон рақслар менда чуқур таассурот қолдирди. Жисмоний имконияти чекланган одамлар ўзларини жамиятнинг бир бўлаги эканини юракдан хис

Мехр-мурувват, оқибат, саховат ва ахшилик каби олий инсоний туйгулар хамма замонларда, барча элларэлатларда улугланган. Бу эзгу қадрият халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Тадбирга келган ҳар бир инсон буни калбан хис килди.

Тадбир сўнггида хомийлар иштирокчиларга совга-салом улашди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Узбекистон овози» мухбири.

Эълон

объединения при Министерстве здравоохранения

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Облицовка фасадной части панелями Алюпан Центральной поликлиники №1

Стартовая стоимость заказчика: — 379 706 220 сумов с учетом НДС,

316 421 850 сума без учета НДС Срок завершения строительства — до 31 декабря 2011 года.

Заказчик: Центральная поликлиника №1 Медико-санитарное объединение при Минздраве

Конкурсные торги будут проводиться среди субъектов малого бизнеса

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту,

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников, конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответ-

лога на добавленную стоимость, досчитываются

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга - ООО «Экспертлойихаконсалтинг» по адресу: г. Ташкент,

Стоимость одного комплекта конкурсных до-

Оферты принимаются организатором торгов

г. Ташкент, ул. Навои, 22, тел. 8 (371) 241-37-

Крайний срок предоставления оферт органипо нижеуказанному адресу: г. Ташкент, ул. На-

через 30 дней после опубликования объявления в здании Центральная поликлиники №1 Медико-санитарного объединения при Минздраве РУз по адресу г. Ташкент, ул. С.Ази-

Ахбороткутубхона марказлари ривожланиш босқичида

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ахбороткоммуникация технологиялари базасида ахборот кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг сифатини ошириш борасида устувор этиб белгиланган вазифалар, уларни бажариш борасида кўзда тутилган саъй-харакат хамда чоратадбирлар, тажриба ва амалиёт» мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда Республика ахборот-кутубхона маркази ва Алишер Навоий номидаги Узбекистон Миллий кутубхонасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

 Давлатимиз рахбарининг саъйхаракати билан ахолига, айникса, ёшларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар килинмокда, — деди Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Хаким Мухитдинов. -Хозир республикамиз бўйича 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасаси фаолият кўрсатаяпти. Уларда замонавий ахборот технологияларидан ўринли фойдаланиш, хизмат сифатини яхшилаш, моддий-техник базани такомиллаштириш ва кадрлар малакасини оширишга алохида эътибор қаратилган. Давлатимиз рахбарининг 2006 йил 20 июндаги қарорига асосан вилоят илмий универсал кутубхоналари Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди ва уларнинг негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хамда Тошкент шахар ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Мазкур қарорда ахборот-кутубхона марказлари (АКМ)нинг бошқаруви ва моддий-техник асосини мустахкамлаш, услубий-меъёрий базасини такомиллаштириш, АКМ рахбарлари малакасини ошириш каби вазифалар белгиланган. Биз шу асосда иш олиб бораяпмиз.

Президентимиз 2011 йил 23 февралда қабул қилган «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборотресурс хизматлари кўрсатишни сифат жихатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарори бу ишларни янги босқичга кўтаришга замин яратди. «Ахборот-кутубхона фаолияти тўгрисида»ги қонун эса тармокни ривожлантиришнинг хукукий пойдеворини мустахкамлади.

Бугунги кунда АКМнинг адабиётлар фонди 5 миллионга якин нусхани ташкил этади, электрон каталогларда 500 мингдан ошик библиографик ёзувлар мавжуд. Йил давомида АКМлар фондига ўрта хисобда 12 минг нусха адабиёт кушилмокда.

Ўтган вақт мобайнида Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Фарғона вилоятларидаги ахборот-кутубхона муассасалари капитал таъмирдан чикарилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Навоий вилоятларидаги кутубхоналар учун алохида бинолар ажратилиб, тубдан реконструкция қилинди. Чекка ва олис худудлар ахолисига самарали хизмат кўрсатиш борасида ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари замонавий автомобиль-библиобуслар билан таъминланди

ОБ-ХАВО

Тошкент

Қохира

Гавана

Вашингтон

Самарқанд

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

БУГУН

26°C

36°C

22-23.09. 2011

ЭРТАГА

28°C

41°C

Махорат ва тажриба мактаби ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ! Шу кунларда пойтахтимиздаги Республика олимпия захирала-Теннис Центральная поликлиника №1 Медико-санитарного

ри теннис мактабида эркаклар ўртасида мукофот жамғармаси 125000 АҚШ доллари бўлган анъанавий «Челленжер» халқаро турнири давом этмокда.

Тўртинчи маротаба ўтказилаётган бу йилги бахсларда Германия. Хитой, Польша, Россия, Япония, Чехия, Бельгия ва Хиндистон сингари йигирмага яқин давлат ракеткачилари голиблик учун кортга чиқмоқ-


— Бу мусобақа жахоннинг иқтидорли теннисчиларини ўзига жалб этиш билан бирга, махаллий ёшларнинг махорати ва тажрибаси ошишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаяпти, — дейди халқаро турнир директори С. Утрапати. — Бу йилги бахсларнинг саралаш учрашувларида ўнга яқин ўзбекистонлик ёш теннисчи асосий турга бериладиган йўлланма учун кураш олиб борди. Бундан ташқари, Мурод Иноятов, Темур Исмоилов хамда Неъмат Шофайзиев каби ракеткачилар Wild Card сохиблари сифатида асосий давра учрашувларидан мусобақага қўшил-

«Челленжер» халқаро турнирининг дастлабки босқичида вакилларимиз иштирокида кечган бахсларда куйидаги натижалар қайд этилди: Мурод Иноятов (Ўзбекистон) — Жахонгир Хайдаров (Ўзбекистон) — 6/2, 6/0, Денис Мацукевич (Россия) —

Неъмат Шофайзиев (Ўзбекистан) — 6/2, 6/1, Себастян Ришик (Германия) — Темур Исмоилов (Ўзбекистон) — 7/5, 6/3, Жан Гернич (Чехия) — Павел Цой (Ўзбекистон) — 6/0, 6/4, Виши Вардхан (Хиндистон) — Сергей Шипилов (Ўзбекистон) — 7/ 6(5), 6/2, Равен Клайсен (Жанубий Африка Республикаси) — Андрей Болдарев (Ўзбекистон) — 6/4, 6/4, Рик Де Воэст (Жанубий Африка Республикаси) — Сарвар Икромов (Ўзбекистон) — 6/3, 7/5.

Мамлакатимизнинг етакчи теннисчилари Денис Истомин хамда Фаррух Дўстов илк учрашувлардан бошлаб мухлисларга чиройли ғалабалар тухфа қилишди. Жумладан, яқинда Туркияда ўтган халқаро турнирнинг бош соврини сохиби Денис Истомин қуръага кўра, белоруссиялик Улдзамир Игнатикка қарши кортга чиқди. Унда гарчи, дастлабки сетда вакилимиз имкониятни бой берган бўлса-да, ўйиннинг қолган қисмини ўз фойдасига хал килди — 6/3, 3/6, 6(0)/7.

Яна бир иктидорли хамюртимиз Фаррух Дўстов еттинчи рақам остидаги ракеткачи — россиялик Теймураз Габашвилига қарши муносиб



ўйин намойиш қилди. Унда ҳам вакилимиз илк сетни рақибига бой берди, аммо учрашув якунида ўз муддаосига эришди — 6/7(5),6/3,7/6(5). Эътиборли томони, мазкур жуфтлик бахси 2 соату 34 дақиқа давомида томошабинларни хаяжонда ушлаб

Куръага кўра, яккалик бахсларининг навбатдаги боскичида Денис Истомин германиялик Себастян Ришик устидан 6/4, 6/3, хисобида голиб чикди.

(Ўз мухбиримиз).

Республики Узбекистан.

МСО в г. Ташкенте

Р.Уз финансирование осуществляется за счет средств Госбюджета.

гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

ствии с законодательством освобождаются от на-

на сумму указанного налога

ул. Навои, 22.

кументов — сто тысяч сумов.

по адресу:

50, (+99897) 715-81-80 затору торгов - ко дню и часу вскрытия оферт

Вскрытие оферт состоится не менее чем

	to Art		to Aug	
Нукус	**	21°C	*	26°C
Қарши	*	25°C	**	30°C
Урганч	**	21°C	**	26°C
Навоий	**	23°C	**	28°C
Фаргона	***	23°C	***	28°C
Бухоро	稳	23°C	稳	28°C
Андижон	**	23°C	*	28°C
Наманган	*	23°C	*	28°C
Термиз	***	25°C	***	30°C
Жиззах	**	23°C	验	28°C
Гулистон	*	23°C	*	28°C
Тошкент вил.	冷	23°C		28°C
Лондон	9	17°C	-	15°C
Париж	9	22°C	9	22°C
Москва	95	17°C	95	16°C
Мадрид		28°C	CHE.	30°C
Пекин		24°C		26°C
Пекин Гонгконг	900	24°C 30°C	9	
				26°C
Гонгконг	9000	30°C	95	26°C 30°C
Гонгконг Рим	%	30°C 25°C	<u>~</u>	26°C 30°C 28°C
Гонгконг Рим Анқара	\$	30°C 25°C 29°C		26°C 30°C 28°C 31°C

(Газетанинг навбатдаги сони

20°C

24°C

禁 25℃ **禁** 26℃

≈ 24°C

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Bobir ALIMOV



Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'vana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) **G'affor HOTAMOV**

(Bosh muharrir o'rinbosari)

TAHRIR HAY'ATI:

Muslihiddin **MUHIDDINOV** Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;

ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; moatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000. Toshkent. Matbuotchilar ko'chasi, 32-uv.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buvuk Turon ko'chasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabog.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «Oʻzbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Г — 946 t — Tijorat materiallari 10439 nusxada O'zA vakuni — 21.30

Topshirish vaqti — 21.00 bosildi. Topshirilgan vaqti — 00.30

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV** Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirion TUNG'ATOV. Zafar BAKIROV

